АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил 1 ОКТЯБР сешанба
№ 39 (295)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

*Азиз дўстлар!*

*Маърифатпарвар халқимиз келажак бунёдкори, деб эъзозлайдиган, дунёдаги энг улуғ ва шарафли касб эгаси бўлган сиз, муҳтарам устозларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий табриклайман.*

*Бу қутлуғ кунни биз доимо зўр ҳаяжон билан, ҳар биримизга сабоқ берган, ҳаёт илмини ўргатган фидойи муаллим ва мураббийларимизга чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғулари билан нишонлаймиз.*

*Бунинг боиси шундаки, эл-юртимиз сизларнинг тимсолингизда ёшларимизга нафақат таълим берадиган, балки уларнинг қалбига она Ватан меҳрини, юксак фазилатларни сингдирадиган, бутун ҳаётини жондан азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган, ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашга бағишлаган жонкуяр ва олижаноб зотларни кўради.*

*Шу маънода, бутун Ўзбекистон болаларига ўз ота-онасидек яқин ва меҳрибон бўлган сиз, муҳтарам мураббийларга, юзлаб, минглаб заҳматкаш ўқитувчиларимизга Ватан ўз келажагини ишониб топширган, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.*

*Қадрли устозлар!*

*Дунёда ҳар бир инсон, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг бахту иқболини кўришни орзу қилиб яшайди. Мен учун ҳам юртимизнинг ёруғ истиқболини, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг камолини кўриш фаолиятим, бутун ҳаётимнинг маъно-мазмунига айланган буюк орзу, буюк мақсаддир.*

*Ана шу эзгу мақсадга эришиш йўлида, бутун дунёда тан олинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда мен сизларни ўзимнинг энг яқин маслакдошим, сафдошим ва ёрдамчиларим деб биламан.*

*Ўз навбатида шуни ҳам айтмоқчиманки, бугунги мураккаб замонда ўқитувчи ва мураббийларимиз олдида турган ўта долзарб вазифаларни ҳал этиш, уларга зарур шарт-шароитларни яратиб беришда давлатимиз керакли ёрдамни аямайди, таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни давом эттириш, бу борада янада салмоқли натижаларга эришиш учун ҳамма имкониятларни ишга солади.*

*Сизларга ўзимнинг чуқур ҳурматимни изҳор этар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хайрли ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



## 1-Oktabr — O`qituvchilar va murabbiylar kuni












*Тошкентда Марказий Осиё давлатлари омавий ахборот воситалари вакилларининг тўртинчи конференцияси бўлиб ўтди.*

* * *

*Ўзбекистон Бадиий Академиясида Болалар расмларининг биринчи Тошкент Халқаро танлови очилди.*

* * *

*Бадиий Академиянинг Марказий кўргазмалар залида "Таъзим" деб аталган кўргазма очилди.*

* * *

*Миллий матбуот марказида "Оммавий ахборот воситалари ва сиёсат" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

* * *

*Тошкентда Ўзбекистон судьялари Ассоциациясининг иккинчи съезди бўлиб ўтди.*

* * *

*Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида тадбиркорлар билан учрашув бўлиб ўтди.*

* * *

*Ўзбекистон Банклар уюшмасида "Ўзбекистон молия бозорининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари" мавзуида семинар ўтказилди.*

* * *

*Тошкент Молия институтида "Мустақиллик — буюк саодат" мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.*

* * *

*Республика болалар бадиий ижодиёти марказида ёш рассомлар асарларининг "Ватан тимсоллари" деб номланган кўргазмаси очилди.*

---

Ehtirom

# УЗИЛМАЙДИГАН ҚАРЗ

Одамзот боласи ўз тараққиёт йўли давомида табиий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кўпдан-кўп касб-ҳунарларни эгаллаган. Ўқитувчилик, мураббийлик ҳам ана шундай табиий эҳтиёж самараси ўлароқ юзага келган десак, асло хато бўлмайди. Нега деганда, инсон табиатида ўзини, атрофини қуршаб турган дунёни англаш, бошқача айтганда, маърифатга ташналик азал-азалдан мавжуд. Бу хусусият инсон қонига сут билан кирган. Зеро, одам она қорнидаёқ ўрганишга, парваришга муҳтож бўлади. Она ўз жигарбандини бутун борлиғи — қалби ва сути билан тарбиялайди. Бола туғилгандан то вояга етгунча бўлган жараён — ҳар бир кишидан алоҳида масъулият ва фидойилик талаб қилади. Шу боис онанинг рутбаси шу қадар улуғ. Энг муҳими шундаки, она ёки ота фарзандини дунёга келтиргани, ўстиргани, тарбиялагани учун ҳеч қачон унга миннат қилмайди, меҳнатини юзига солмайди. Дунёда ота-онага ўхшаш яна бир инсон бор. У ҳам меҳнатини асло миннатга тенг кўрмайди. Бу инсон — ўқитувчи, устоз-мураббийдир. Шу боис унга нисбатан "устоз отангдай улуғ" деган ибора истеъфода этилади. Ана шу иборада олам-олам маъно мужассам. Унда устозлик мақоми-ю халқимизнинг уларга бўлган муҳаббати ўз аксини топган.

Ўқитувчига бўлган эътиборнинг яна бир жиҳати шундан иборатки, инсон ақли — интеллектуал салоҳияти билан қудратли ва кучли. У нимагаки эришса, ақли билан эришади. Зеро, ақлий салоҳият дунёдаги энг бебаҳо бойлик ҳисобланади. Унинг олдида мол-дунё — олтину пулнинг қадри хасга тенг эмас. Ана шундай бебаҳо бойлик ўқитувчи-устозларнинг машаққатли ва беминнат меҳнати туфайли бино бўлади. Шу боис тараққиётга юз тутган миллат ёки мамлакат ўз келажагини таълим-тарбияда, янаям тўғрироғи, интеллектуал ёшларда кўради. Бунга тарихда мисоллар жуда кўп. Истиқлолдан сўнг мамлакатимиз буюк келажак қуриш йўлини танлади. Ана шу қутлуғ мақсадга эришиш учун барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда тест синовларининг жорий этилиши, лицей ва коллежларнинг фаолият юритиши, таълимнинг бакалавр ва магистратура шакли, энг муҳими, бутун дунё томонидан Ўзбек модели дея эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши — буларнинг бари ана шу ислоҳотлар самарасидир. Бугун оддий деҳқон ёки чўпоннинг боласи хорижий тилда бийрон-бийрон сўзлаши, Америка, Англия, Япония каби ривожланган мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари таҳсил олиши одатий ҳолга айланди. Ана шундай олий ўқув юртларида таълим олиб қайтган жуда кўп истеъдодли ёшлар халқ хўжалигининг турли тармоқларида зўр шижоат билан ўзларининг билим ва иқтидорини намоён этмоқда. Бу билан улар томирларида жаҳон илм-фанига тамал тошини қўйган, неча асрлар дунёга маърифат улашиб келган даҳо аждодларининг қони оқаётганини амалда кўрсатмоқда. Албатта, бунга ўз-ўзидан, осонлик билан эришилгани йўқ. Бундай улкан ютуқлар замирида аввало, мамлакатимизда истиқлолнинг эркинлик сиёсати шарофати билан яратилган кенг кўламли шарт-шароитлар, қолаверса, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари партасида ўтирган ёш авлодга таълим бераётган устоз ва мураббийларнинг фидойилиги, ватанпарварлиги, машаққатли меҳнати ётибди. Шу сабаб юртимизда ўқитувчи меҳнати алоҳида эъзозланмоқда. Бир неча нафар мураббий Ватан Қаҳрамони деб эътироф этилди. Ўқитувчиларга босқичма-босқич имтиёзлар берилмоқда. Уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим бир бўлаги сифатида белгиланган. Зеро, XXI аср — Президентимиз таъбири билан айтганда, **интеллектуал авлод асри бўлади.** Бу юз йилликда инсон ақлий салоҳиятининг янги қирраларини намоён этади. Эндиликда фикр бозори равнақ топади. Бошқача айтганда, инсон ақли асосий тараққиёт омилига айланади. Бу бозорда миллатимизнинг муносиб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан ўқитувчи-мураббийларнинг меҳнатига боғлиқ.

Кези келганда яна шуни айтиш жоизки, ўқитувчи, устоз, мураббий аҳли қадим Шарқда азал-азалдан улуғланиб келган. Тарихнависларнинг ёзишларича, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз устозларининг исмларини эшитганда, дарҳол ўринларидан турар экан. Бошқа бир ҳикоят ҳам ғоят ибратлидир. Алишер Навоий ҳазратлари Султон Ҳусайн Бойқаро билан ҳамсафар бўлганларида, йўлда тупроқ ўйнаб ўтирган болага дуч келибдилар. Шунда ҳазрат Навоий отларидан тушиб гўдакка салом берибдилар ва шундан кейингина йўлда давом этишибди. Бу синоатдан ҳайрон бўлган Султон шоири замонга савол назари билан қараганда, ҳазрат "Бу гўдак устозим Жомийнинг набираси бўлади" деб жавоб берган экан. Устозларига ана шу тарзда иззат-ҳурмат кўрсатган ҳазрат устозлар ҳақида шундай лутф қилганлар:

**Ҳақ йўлида ким сенга**
**бир ҳарф ўқитмиш ранж ила**
**Айламак осон эмас,**
**онинг ҳақин минг ганж ила.**

Мустабид шўро замонида ўқитувчи, унинг сермашаққат меҳнатига муносабат ҳаммамизга яхши маълум. Бунга биргина мисол келтирадиган бўлсак, ўқитувчининг умри мактабда эмас, пахта даласида ўтар, меҳнати қадр топмаган эди.

Фақат истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли янгиланаётган жамиятимизда ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаш, уларнинг ўз билим ва қобилиятларини тўла рўёбга чиқариш учун кенг кўламли шарт-шароитлар яратиб берилаётгани, чексиз ғамхўрлик ва эътибор кўрсатилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.

Президентимизнинг ташаббуси билан 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида мамлакатимизда кенг нишонланиб келаётган ҳам бу фикримизнинг исботидир.

Бугун халқимиз ана шу умумхалқ байрамини нишонламоқда. Бу байрам тимсолида шогирдлар устозларидан умрбод қарздор эканликларини ҳис этиб, уларга миннатдорчилик билдириш баробарида зиммаларидаги улкан масъулиятни яна бир бор эсга оладилар. Биз ҳам қўлимизни кўксимизга қўйиб, ўз қутловимизни айтамиз: Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!

**Холли НОРБОЙ**

### БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:

***Бугунги кунда мамлакатимизда 62 та олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда. Уларда 183 минг нафар бакалавр, 8700 нафар магистр талаба таълим олаяпти.***

***Бу йил олий ўқув юртларига 51100 нафар талаба қабул қилинди. Битирувчи талабалар сони 43650 нафарни ташкил этади.***

* * *

***Мамлакатимизда 9679 та мактаб мавжуд бўлиб, уларда 6 млн 263 минг нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Бу йил уларнинг сафи яна 624613 нафарга ошди. Уларга 442 минг 222 нафар ўқитувчи сабоқ бермоқда.***

* * *

***Мамлакатимизда коллежлар сони 405 тани, техникумлар сони 160 тани, ҳунар-техника билим юртлари 226 тани ташкил этади. 100 га яқин мутахассисликка эга бўлган мазкур ўқув юртларига бу йил 183 минг нафар талаба қабул қилинди.***

* * *

***Юртимизда 48 та академик лицей, 17 та лицей-интернат, 8 та лицей ишлаб турибди.***

***Уларда 34136 нафар талаба таҳсил олмоқда. Бу йил улар сафига яна 11483 нафар талаба қўшилди. Шуларнинг 11792 нафари битирувчилардир. Уларга 2444 нафар ўқитувчи билим бермоқда.***

---

Huquqiy sharh

# ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ НИМА?

*Халқимиз ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини барпо этишни мақсад қилиб қўйган экан, бу эзгу мақсаднинг амалга ошишида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий саводхонлиги, қонунларимизнинг маъно-моҳиятини теран англаши, табиийки, муҳим аҳамият касб этади.*

*Айниқса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахслар учун муҳим ҳуқуқий ҳужжат саналган шартномани тузиш, унга амал қилиш, шартларини пухта билиш, бу ҳеч шубҳасиз, муваффақиятнинг калити саналади. Айни кезларда қишлоқ хўжалиги соҳасида келгуси йил учун хўжалик шартномаларини тузиш қизғин паллага кирди. Шу боис таҳририят шартнома қонунчилигига оид туркум мақолалар чоп этишни режалаштирди. Ҳуқуқшунос Акмал НАБИРАЕВнинг қуйидаги мақоласи шу ҳақда.*

Хўжалик шартномалари юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкий, номулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари вужудга келишининг асосларидан бири ҳисобланади. Бирон-бир тадбиркорлик субъектининг шартнома тузмасдан туриб, тижорат билан боғлик бўлган тадбирларни, келажакдаги тадбиркорлик режаларини, олди-сотди ёки бошқа битимларини амалга оширишини тасавур қилиб бўлмайди. Чунки шартнома фуқаролик муносабатларини тартибга солувчи шундай бир ҳужжатки, бунда тадбиркорнинг фойда олиш дастурлари, режалари, интилишлари, қизиқиш ва манфаатлари ўз ифодасини топади.

Тадбиркорлик билан шуғулланиш даврида ҳеч қандай хўжалик муносабатларини шартнома тузмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектлари ўртасидаги ҳар бир ўзаро ишбилармонлик муносабатлари натижаси, кўзда тутилган тижорат билан боғлик бўлган тадбирларнинг якуни жуда кўп ҳолатларда ушбу ҳақдаги шартноманинг қандай тузилганлиги ёки расмийлаштирилганлигига боғлик.

Бу табиий ҳол. Чунки шартномада томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жавобгарлиги, етказиб бериладиган маҳсулотларнинг нархи, муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиблари ва бошқа ҳолатлар назарда тутилади.

Умуман олганда, хўжалик шартномаси нима деган саволга жавоб берадиган бўлсак, шартнома фақат ўзининг ҳисоб рақамига пул маблағларини кирим қилиб олиш учун тузилган ҳужжат эмас, балки томонларнинг ўзаро келишуви, иккала томоннинг биргаликдаги содир этган саъй-ҳаракатлари натижасида фойда кўриш учун бўлган розилигини ифода этувчи ҳужжатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шартнома асосини томонлар ўртасидаги ўзаро розилик ташкил этади.

Фуқаролик Кодексининг 353-моддасида берилган таърифга кўра, **икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви "шартнома" дейилади.**

**"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"**-ги Қонунининг 3-моддасида хўжалик шартномасига қуйидагича таъриф берилган: **"Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади".**

Шу ўринда хўжалик шартномаси қандай бўлиши керак деган саволнинг туғилиши шубҳасиз.

Бунга жавобан шуни айтиш жоизки, хўжалик шартномаси аввало тарафларнинг манфаатларини кўзловчи шартлар асосида тузилиши амалдаги қонунчиликка мос бўлиши, контрагентнинг шартнома орқали жавобгарлиги қатъий таъминланиши ва шартномада ҳеч қандай номаълум ҳолат ёки тушунарсиз бандлар қолдирилмаслиги лозим. Чунки шартномадаги бундай ноаниқ ҳолатлар мавжудлиги иқтисодий нуқтаи назардан пухта ишлаб чиқилган бутун бир тижорат билан боғлик лойиҳани йўққа чиқариб, тузилган битимнинг бажарилишига хавф солиши мумкин. Шу боис битим ва шартномаларни тузишдан олдин жиддий тайёргарлик кўриш зарур. Тайёргарлик жараёни жиддий шерик топиш, келажакда содир этиладиган операцияларнинг асосий ҳолатларини келишиб олиш ва бошқа ҳаракатларни ўз ичига олади. Шу сабабли хўжалик шартномаларини тузиш вақтида қуйидаги тўртта асосий қоидага риоя этиш мақсадга мувофиқ.

**Уларнинг биринчиси** "Мақсадимиз нима, нима қилмоқчимиз ва нима харид қилиш мақсадимиз борлигини аниқ билишимиз керак" деган қоидадир.

Бу қоиданинг шарҳи қуйидагича: агар сиз шартномани тузиш жараёнида, яъни уни имзолашдан олдин, унинг жуда муҳим қисм ва ҳолатларини тушуниб олмасдан, ўз манфаатларингизга путур етказадиган шартларнинг киритилишига йўл қўйган бўлсангиз, сизга шартнома тузилиб бўлингандан кейин ҳеч ким ёрдам бера олмайди.

Рўёбга чиқармоқчи бўлган режангизнинг аниқ моделини тузишга ҳаракат қилинг. Бўлажак хўжалик операцияларининг намунавий лойиҳасини тузинг, уни йўналиш ва муддатларга бўлинг (яъни шартномани тузиш вақти, унинг ижроси, ҳар бир йўналишда қайси ишлар ва қандай бажарилиши керак, бунга нималар зарур). Бунда таваккалчиликни ҳам назарда тутиш лозим.

"Шартнома лойиҳасини тайёрлашни қарши томонга ишонгандан кўра, ўзингиз тайёрлаганингиз маъқулроқ бўлади" деган қоида сиз риоя этишингиз лозим бўлган иккинчи қоидадир.

Сизга "шартномани тайёрланг" дейишганда, бу уни шахсан ўзингиз тайёрлашингиз керак, деган маънони англатмайди, балки шартнома лойиҳасини муаллифи сиз бўлишингизни назарда тутади, холос. Шартноманинг аниқ лойиҳасини эса шу соҳа мутахассислари тузишлари шарт.

Шартнома лойиҳасини контрагентингиз тайёрлайдиган бўлса, ҳеч хавотирланманг — сизнинг қарши томонингиз ўзганинг фойдасини кўзлаш тўғрисида қайғурмайди ва шартномада ўз манфаатларини кўзлайди, сизнинг фойдангизни, манфаатларингизни эса фақат инобатга олади. Бу табиий ҳолат.

Учинчи қоида қуйидагича: Сизнинг ҳуқуқшуносингиз, ёллаган адвокатингиз шартнома лойиҳасини кўриб чикиб, имзо қўймагунча ёки ёзма хулоса бермагунча, ушбу шартномани имзоламанг. Бу ҳақда **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонунининг 21 моддасида шундай дейилган: **"Хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди".**

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳаки микдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада қоида тариқасида қуйидагилар кўрсатилади:

— хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;

— хўжалик шартномаси шартлари қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

— тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

Таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бу қоидани ўз фаолиятининг асоси деб билиши лозим. Зеро, ҳар бир шартнома юридик ҳужжат хисобланади. Агарда уни ҳақиқий мутахассис тузмаган булса, у ҳеч қандай юридик аҳамиятга эга бўлмайди. Ҳуқуқшунослар сизга шартноманинг шаклини ўзгартиришни, у еки бу шартларининг маъносини, унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириб беради ёки лойиҳа юзасидан ўзларининг таклифларини киритади. Амалиётда тадбиркорлар турли намунавий шаклдаги шартномалардан фойдаланишади, чунки бу соҳа бўйича методик қўлланмалар етарли чоп этилган. Улардан фойдаланиш шартномаларни тузиш жараёнларини анча енгиллаштиради ва махсус юридик маълумотга эга бўлмаганларга ҳам кейинчалик хўжалик муносабатларда муайян йўналиш топа олишларига ёрдам беради. Лекин шуни ҳам инобатга олиш керакки, сизнинг бизнесингизни ишонч билан тўлиқ кафолатлайдиган универсал шартнома ва унинг лойиҳаси мавжуд эмас.

Энди тўртинчи қоида мазмуни билан танишинг: шартнома матнида икки хил маънони англатувчи сўзларни ёки ноаниқ жумлаларни ишлатилишига йўл қўйманг.

Шартнома тузишда ҳар бир ҳарф, вергул ва ҳатто нуқта ҳам аниқликни талаб қилади. Агар сизга шартномадаги бирор-бир ҳолат тушунарсиз бўлса, дарҳол мутахассисдан унинг нимани англатишини сўранг. Шуни ёдингизда тутинг: қарши томон ҳар доим исталган бир "ноаниқ фикрни" ўз фойдасига талқин этишга ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, у олдиндан, яъни шартнома лойиҳасини тайёрлаш жараёнида атайлаб ўзининг фойдасига талқин этиладиган, лекин сизга тушунарсиз бўлган ҳолатларни киритиб, бошданоқ сизнинг манфаатларингизни чеклаб қўяди.

Хулоса шуки, баён этилган тўртта қоидага қатъий амал қилиш хўжалик шартномаларини тузишнинг асоси ҳисобланади. У шартноманинг пухта ва мукаммаллигини кафолатлайди.

# ҲУҚУҚНИНГ УЧ ТАЯНЧИ

Talab, taklif, mulohaza

*Ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тафаккур, қонун асосида яшаш, қонунийлик инсониятнинг юксак цивилизация йўлида эришган энг катта ютуқларидан бири, умумбашарий тажрибалар маҳсулидир.*

Агар кишилик тарихига чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, одамзод қонунларни кашф қилиб, ўзаро муросага келиб, уюшиб яшаш кўникмаларини эгаллагунга, бу борада муайян анъаналарга эга бўлганга қадар қанчадан-қанча синовларни бошдан кечиргани, не-не оғир ва мураккаб йўлларни босиб ўтгани аён бўлади. Бошқача айтганда, бугунги кунда ҳар қандай давлат ва жамиятнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган, тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик асоси бўлган қонунлар ўз-ўзидан, механик тарзда вужудга келиб қолмаган. Балки улар инсониятнинг ўз ҳаётини оқилона йўлга қўйиш борасидаги кўпдан-кўп изланишлари, бу йўлда яратилган қанчадан-қанча фалсафий ва мафкуравий таълимотлар, бутун-бутун цивилизациялар маҳсули сифатида шакллана борган. Яъни, улар одамзоднинг ўз тарихий миссиясини, яъни табиат томонидан унинг зиммасига юкланган вазифани муносиб адо этиш йўлидаги ҳаётий зарурат сифатида пайдо бўлган.

Хўш, инсоният зиммасига юкланган бу вазифа нимадан иборат эди? Бу вазифа, аввало, ер юзидаги ҳаётни асраш, унинг бетакрор ва ноёб хусусиятларини сақлаб қолиш, инсон – ақлли жонзот, деган шарафга муносиб бўлиб яшашдан иборат эди. Бундай вазифани мукаммал ва тўлатўкис адо этиш учун эса одамзот ўзига табиат томонидан ато этилган эҳтиёжларни тўлиқ қондирган ҳолда, айни пайтда бошқаларнинг ҳам зарурий эҳтиёжларининг қондирилишига зиён етказмай, коинотдаги ҳаётнинг устувор қонун-қоида ва тамойилларини рад этмай, оқилона яшаш йўлини топиши лозим эди. Мана шу зарурат, табиийки, инсондан ўзига берилган ҳаётнинг маъно-мазмунини чуқур англаш ва ўзининг яшаш тамойилларини табиат қонунларига мослаган ҳолда, муайян шакл ва тизимга солишни талаб этар эди. Инсоният эркинлик, озодлик ва уларнинг зидди бўлган тутқунлик, қарамлик ўртасидаги фарқни англагани, уларнинг моҳиятини тушунгани сари ўзига берилган ҳуқуқни ҳам чуқур тушуниб етган.

Ана шу ҳуқуқни ҳимоялаш, ҳар қандай тажовузлардан асраш уни қонунлаштириш, яъни барча томонидан бажарилиши шарт бўлган қоидалар тизимига айлантириш заруратини вужудга келтиради. Бу жараён турли даврларда турлича кечган. Яъни қонунлар, ҳуқуқни амалга ошириш воситаси сифатида бирданига пайдо бўлиб қолгани йўқ. Инсоният бу йўлда узоқ тараққиётни босиб ўтган ва кўп йиллик тажриба, билим ва маданият натижасида бугунги даражага – ҳуқуқни муайян мақсадни назарда тутган ҳолда, қонунлар моҳиятида акс эттириб, жамиятдаги муносабатларни тартибга солиш, бошқариш имконига эга бўлди.

Дастлаб, инсонлар жамоа бўлиб яшай бошлаган ибтидоий тузум даврларида одамзот ўз ҳуқуқларини жуда оддий тушунган. Яъни, қабила бошлиғи ёки уруғ оқсоқоли нимани қилиш мумкин деса, ўз ҳуқуқини шуни адо этишдан, нимани қилиш мумкин эмас деса, ўшани қилмасликдан иборат деб билган. Бора-бора инсонда тотемистик қарашлар, нарса-ҳодисаларни илоҳийлаштириш майллари устунлик қилгани сари унинг ибтидоий тафаккури ҳам ўзгарган. Энди илоҳийлаштирилган воқеа-ҳодисанинг моҳиятига тўғри келадиган нарсаларни қилиш мумкин, аксинча бўлса, қилиш мумкин эмас, деган қараш ҳукмрон бўлган.

Қисқаси, инсоният ўз ҳуқуқларини қонуний мезонлар тарзида шакллантиргунча узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Бу жараён такомилга етиб, юксала боргани сари инсоннинг ҳуқуқий тафаккури ҳам ўсган, ривожланган. Бугунги кунда эса ҳуқуқнинг маъно-моҳияти билан шуғулланадиган мустақил бир йўналиш – алоҳида бир фан вужудга келди. Афсуски, собиқ мустабид тузум даврида, жамият ҳаётида ғоя ва мафкура ҳукмронлик қилгани учун ҳуқуқ масалаларига деярли эътибор берилмас эди. Фақат мустақилликка эришиб, юртимизда қонун устуворлигига таянадиган ҳуқуқий демократик жамият қуришдек эзгу мақсадни ўз олдимизга вазифа қилиб олганимиздан кейин ҳуқуқ масалаларига эътибор кучайди. Бунинг натижасида мамлакатимиз ижтимоий фанлари орасида ҳуқуқ фалсафаси фани ҳам ўз ўрнига эга бўла бошлади.

Хўш, ҳуқуқ фалсафаси фани нимани ўрганади? Бунинг учун биз аввало, ҳуқуқ ва қонун, уларнинг ўзаро фарқи нимадан иборат экани ҳақида билиб олишимиз зарур. Бир қарашда, бу тушунчалар ҳаммага маълумдек туюлса-да, бугунги кунда ривожланган мамлакатлардаги эркин ҳаёт тамойиллари ҳуқуқий маданият ва қонун устуворлиги каби тамойилларга асосланишини эътиборга олсак, улар оддий тушунчалар эмаслиги аён бўлади. Ҳуқуқ инсоннинг ҳаётий манфаатлари билан бевосита боғлиқ тушунча. Яъни, у инсоннинг ҳаётий манфаатларини ўзида акс эттиради. Қонун эса ана шу манфаатларни жамиятдаги имкониятлар доирасида амалга ошириш тартибини белгилаб берадиган, ҳамма учун мажбурий бўлган меъёрлар мажмуидир.

Шу маънода, олимлар ҳуқуқ фалсафаси фанини ҳуқуқшуносликнинг бошқа соҳаларидан фарқлайдилар. Хусусан, ҳуқуқшунос олим С. Алексеев бу хусусда шундай дейди: "Ҳуқуқшунослик фанлари асосан позитив ҳуқуқ, яъни ижобий, амалда бўлган ҳуқуқ ҳужжатларини ўрганади. Лекин ҳуқуқнинг фалсафий масалалари ҳам мавжуд. Ҳуқуқ фалсафаси фани кўпроқ ана шу масалаларни ўрганади".

Ҳуқуқ фалсафасининг предмети ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд. Масалан, бу борадаги мавжуд манбаларда у ҳуқуқ, ҳуқуқнинг қонундан фарқли жиҳатлари ва қонун ва ҳуқуқ ўртасидаги нисбатдан иборат экани таъкидланади. Биз бундай қарашни рад этмаган ҳолда, ҳуқуқ аввало, инсон фаолияти, унинг манфаатлари билан боғлиқ тушунча бўлгани учун унинг ўрганиш соҳасини белгилашда ҳам шундан келиб чиқиш лозим, деб ўйлаймиз. Яъни, қонун инсон ҳуқуқий имкониятларини рўёбга чиқаришнинг жамият ҳаётида амал қиладиган воситасидир. Демак, у инсоннинг моддий фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни ўзида акс эттиради. Бундан ташқари, инсоннинг маънавий фаолияти, бинобарин, маънавий ҳақ-ҳуқуқи ҳам бор. Хўш, унинг бу борадаги ҳуқуқлари қандай тартибга солинади? Инсоннинг бу борадаги хатти-ҳаракатлари ахлоқ билан тартибга солинади. Шунинг учун агарда, ахлоқсиз одам эзгу ва олижаноб тушунчалардан гап очмоқчи бўлса ёки ўзини ана шундай қадриятларга дахлдор қилиб кўрсатмоқчи бўлса, унга қараб, "Сенинг бу ишга маънавий ҳақ-ҳуқуқинг борми?" деймиз. Демак, ҳуқуқ шунчалик кенг қамровли тушунча бўлиб, у фақат қонунларда эмас, балки жамият ҳаётига хос бўлган барча муносабат шакллари ва воситаларида акс этади. Бинобарин, ҳуқуқ предмети ҳам инсон ҳаётига, инсоннинг борлиғига оид барча муносабатларни қамраб олади. Шунинг учун айрим олимлар, хусусан, С.Алексеев ҳуқуқ фалсафасини инсонлар ҳаётига, уларнинг борлиғига оид ҳуқуқларни ўрганадиган фан сифатида талқин этади. Яна бир гуруҳ олимлар бу масалани икки жиҳатдан олиб қарайдилар. Биринчиси – фалсафий аниқ таърифлар бўлиб, бу мазкур соҳадан хабардор бўлган тадқиқотчиларга яхши таниш бўлган масаладир. Бу жиҳатдан қараганда, ҳуқуқ фалсафаси ҳуқуқий маданиятни англаш шаклидир. Бу борадаги иккинчи жиҳат – масалага тарихий-мантиқий нуқтаи назардан ёндашишни тақозо этади. Бунда ушбу фан ҳуқуқий мантиқни англаш шакли сифатида талқин этилади.

Агар юқоридаги фикрларнинг моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, уларни фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этсак, барчаси аввало, инсонга, у билан боғлиқ муносабатларга келиб боғланиши аён бўлади. Инсоннинг орзуси эса ҳамма замонларда ҳам адолатга эришиш бўлиб келган. Ҳуқуқни англаш, уни амалга оширишдан кўзланган мақсад ҳам адолатга эришишдан иборатдир.

Бу мулоҳазалардан ҳам аён бўлмоқдаки, инсонларнинг ўз ҳуқуқларини яхши билиши жамият ҳаётида адолатга эришишнинг муҳим шартидир. Аслида ҳуқуқ фалсафаси фани ҳам ана шу зарурат туфайли вужудга келган. Шунинг учун бу фан аввало инсонга ҳуқуқни, унинг маъно-мазмуни ва вазифасини дунёқараш нуқтаи назаридан шарҳлаб, одамзод борлиғи, унинг ҳаётидаги мавжуд қадриятлар тизими моҳиятига кўра асослаб беради.

Жамиятда адолат тамойиллари амал қилиши, барқарорлик ҳукм сурииши учун уч субеъктнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик муҳим ўрин тутар экан, давлат, жамият ва фуқаро ўртасидаги қонуний муносабатларни ўрганиш ҳуқуқ фалсафасининг асосий масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқнинг моҳияти ҳам турли субъектлар ўртасидаги муносабатлар орқали намоён бўлади. Шу боис ана шу субъектлар – давлат, жамият ва фуқаро муносабатларини ҳуқуқ фалсафасининг, умуман ҳуқуқнинг уч таянчи дейиш мумкин.

**Фахриддин МУСАЕВ,**
**фалсафа фанлари номзоди**



*Кексаликнинг нурли чеҳраси*

Huquqiy ma`rifat

# ОДОРОЛОГИЯ НИМА?

*Тергов ҳаракатларини амалга ошириш ўзига хос жараёндир. Ушбу жараён узлуксиз такомиллашиб боради. Одорология усули ҳам мазкур жараёнда кенг қўлланади. Одорология — лотинча "odor" — ҳид, грекча "logos" — таълимот, яъни ҳид ҳақидаги таълимот, деган маънони англатади.*

Одорология предмети ҳид бўлиб, унинг табиати, шаклланиш механизми, қабул қилиниши ва идентификация белгиларини аниқлаш жараёнларини қамраб олади.



Одорологиянинг илмий асоси ва амалиёти ҳид орқали объектларни излаб топиш, ҳиднинг пайдо бўлиш механизми ва табиатини ўрганишни тақозо этади.

Ҳид – моддий дунё объектларининг хусусияти. Маълумки, ҳар бир объект, инсон ва ҳайвонот оламдаги мавжудотларнинг ўзига хос ҳидлари бўлади. Бу эса объектлар индивидуаллигини идентификация қилишда ёрдам беради. Объектдан чиққан ҳид билан бирга унинг заррачалари узлуксиз ажралади. Бу заррачалар ҳаво орқали инсоннинг ҳид сезиш органига таъсир этади ва алоҳида ҳидларни субъектив идрок қилишни юзага келтиради. Ҳид табиатан ўта мураккаб бўлиб, илмий изланиш ва текширувни тақозо этади. Жиноятга алоқадор субъект ва объектларни ҳидидан аниқлаш мақсадида кинологлар ўргатилган итлардан кенг фойдаланадилар. Лекин бу восита ҳақиқий ҳолатни билишда етарли эмас. Ҳозирги пайтда амалиётда қидирув итлари орқали аниқланган далиллар замонавий техник воситалар орқали текшириб кўрилади.

Жиноят содир этилган жойда қолган ҳидлар жиноят изларининг доимий компонентидир. У ўзида жиноят содир этган шахс ва бошқа объектлар тўғрисида маълумот беради ва уларни аниқлаштириш имкониятини туғдиради.

Ҳид излари криминалистикада бошқа изларга нисбатан янги бўлиб, ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади. Кўринмаслик хусусиятига эга эканлиги боис уни топиш усули ва олиш воситалари ўзига хосдир. Ҳид излари бошқа изларга нисбатан турғун эмас. У бўшлиққа узлуксиз тарқалади ва йўқолади. Шунинг учун, топилган жойда уни зудлик билан олиш ва консервация қилиш лозим. Масалан, одамнинг ҳиди ҳар хил моддий объектларда қолиши мумкин. Чунончи, мунтазам алоқада бўлган предметлар (кийими, пойафзали), вақтинчалик қўлланилган воситалар (жиноят қуроли, тупроқ) ва ҳоказо.

Изларни қайд қилиш амалиётида ҳид манбаи ҳисобланган объектларни ҳар доим ҳам излар билан бирга олиб бўлмайди (ерда, қорда, катта объектларда). Бундай ҳолатларда тиббий шприци билан мавжуд объектдан ҳид сўриб олинади. Шприцдаги ҳаво тоза чинни банкага солинади ва ҳаво кирмайдиган қилиб ёпилади. Изларнинг олинган вақти, қайси иш юзасидан эканлиги, изни қабул қилган объектнинг таснифи қайд этилиб, тегишли шахслар томонидан имзоланади ва из қайд қилинган объектга қўшиб қўйилади.

Гумонланган шахс ҳақиқатда ҳодиса юз берган жойда бўлган ёки бўлмаганлигини бошқа тергов ҳаракатлари орқали аниқлашнинг иложи бўлмаса, ҳид излари гумонланувчининг ҳиди билан солиштирилади. Улардан ҳам юқорида кўрсатилган усулларда ҳид излари олинади.

Агар одорология экспертизасини тайинлаш лозим бўлса, бу тўғрида қарор чиқарилади ва ҳодиса жойидан олинган ҳид излари экспертизага юборилади. Эксперт олдида қуйидаги муаммолар кўндаланг бўлиши мумкин: объектдаги ҳиднинг одамга тегишлилиги; қолдирилган ҳиднинг аёл ё эркак кишига мансублиги; ҳид изларининг индвидуал белгилари.

Ҳозирги пайтда одам ҳиди воситасида идентификация қилишнинг икки хил усули мавжуд. Улардан бири, жиноят содир этилгани ҳақидаги хабардан сўнг махсус итлар билан ҳодиса содир бўлган жойга етиб бориш ва ҳид орқали гумон қилинган киши ҳақида маълумот олиш. Иккинчиси, махсус асбоб (хромотография) ёрдамида одорология экспертизасини ўтказишда фойдаланишдир.

Хулоса қилиб айтганда, жиноятни фош этишда одорологиянинг аҳамияти жуда каттадир.

**Нигора ХУДОЙҚУЛОВА,**
**тадқиқотчи**

Jurnalist tekshiruvi

# КАЛАВАНИНГ ИККИ УЧИ

Бирор жойда озми-кўпми адолатсизлик рўй берса, ўша ердаги одамларнинг дили оғрийди, қўли ишга бормайди. Натижада фуқаролар юқори идораларга арз билан мурожаат қила бошлайди.

Каттақўрғон туманидаги йўллардан фойдаланиш бошқармасининг 287-сонли йўл бўлими ишчилари ҳам шикоят ёзишга мажбур бўлишди.

Бунинг боиси қуйидагича:

"2001 йилнинг якуни билан олишимиз керак бўлган ўн учинчи ва ўн тўртинчи ойлик маошларимизни ҳалига қадар ололмадик. Бошқармамиз томонидан бўлимимизнинг ҳисоб рақамига туширилган 1 миллион 900 минг сўмнинг 660 минг сўмини ойлик сифатида олдик, холос. Қолган пулларни Пахтачи тумани солиқ инспекцияси ушлаб қолди.

Йилнинг бошида ишчилар бўлим бошлиғи билан меҳнат шартномаси тузишган. Бироқ раҳбарлар шартномада қайд этилган шартларини бажаришмаяпти. Ойлик маошларни вақтида ололмаганимиз етмаганидек, биз хизмат қиладиган йўлнинг аҳволи тобора оғирлашмоқда. Қўл кучида бажараётган ишимиз йўлларнинг равон бўлишига, талаб даражасида таъмирдан чиқарилишига имкон бермаяпти. Бўлимимизга техника воситалари, эҳтиёт қисмлари, бетум, шебин, балас хомашёлари, ёнилғи ва мойлаш материаллари ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Алмисоқдан қолган иккита трактор ва автомашинанинг юрган кунидан бузилган куни кўп. Бўлимимиз 35 километр масофага хизмат қилади. Носоз техникалар билан шунча масофани сифатли таъмирлашнинг иложи бўлмаяпти.

Йўлсозлик соҳасида қурилиш ва таъмирлаш ишлари асосан ёзнинг иссиқ кунларида бажарилиши керак. Ёз ўтдики, кўзга кўринарли дурустроқ иш қилмадик. Энди кузга келиб, қиш фасли яқинлашганда бу ишларга қўл урилмоқда. Йўлнинг сифати нима бўлади? Биз кечикиб кетаётган маошларимизни қачон оламиз?

А. Жўраев, П. Маҳманазаров, П. Йўлдошев, Ғ. Шодиев ва бошқалар."

Ишчиларнинг мурожаати юзасидан Каттақўрғон йўллардан фойдаланиши бошқармаси бошлиғи Н. Қиличев ҳузурида бўлдик.

— Ана шу-да, — деди бошлиқ ишчилар арзномаси билан танишар экан, — ишни қаттиқ талаб қилсанг, устингдан шикоят ёзишади.

Бошқарма бошлиғи 287-сонли йўл бўлими бошлиғи Р. Хўжақуловни ишчиларни шикоятбозлик қилишдан қайтармаганликда, эҳтиёт қисмлар учун талабнома бермаганликда айблади. Нарзулла Қиличев билан Рустам Хўжақулов ўртасида ким айбдорлиги ҳақида қисқа муддатли тортишув бўлди. Хулоса шунга етиб келдики, ишчиларнинг 2001 йил якуни билан олишлари лозим бўлган ўн учинчи ва ўн тўртинчи ойлик маошлари яқин кунларда тўланади. Лекин қолган ойлик маошларни олиш ҳақида бир нарса дейиш қийин эмиш. Техника эҳтиёт қисмларининг "тақдири" ҳам шундай.

— "ГАЗ-51" русумли автомашина моторига акумлятор йўқлиги сабабли қўл кучи ёрдами билан айлантириб ёқилади. Устига устак, мотор ҳам таъмирталаб. "Т-28" русумли трактор эҳтиёт қисмлар йўқлигидан икки йилдирки жойидан қимирламайди. "Т-40" русумли трактор ҳам эскириб кетганлигидан бир кун ишласа, икки кун тузатилади, — дейди Р. Хўжақулов куйинганича.

Айбни бировга тўнкаш шу билан тугамайди. Гап шундаки, бошқарма бош ҳисобчиси Юсуф Шаропов йўл бўлими техник ҳисобчиси Абдуғани Иброҳимовни молиялаштиришни тўғри олиб бормаганликда айблай кетди.

Бошқарма ҳуқуқшунос маслҳатчиси С. Дўсановнинг хатти-ҳаркатлари ҳамманикидан ошиб тушди. Биз билан "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби" га журналист суриштирувини ёзиш тўғрисида баҳслашди. С. Дўсанов билан Ўзбекистон Республикасининг "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот олиш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунлари бўйича тортишишга тўғри келди.

Бошқарма 107 километрлик автомобил йўлига хизмат қилади. Бошқарма Самарқанд шаҳрида бажарган ишлари ҳисобига йиллик режани 125 фоизга бажарибди. 287-сонли йўл бўлими эса "Самарқанд-Бухоро-Ашхабад" автомобил йўлининг 112-147 километрлари оралиғида фаолият кўрсатади.

*(Давоми тўртинчи бетда.)*

# НОТИҚЛИК САНЪАТИ

## АНТИК ДАВР СУД ТИЗИМИДА У ҚАНДАЙ ЎРИН ТУТГАН?

Jahon tajribasi



Нотиқлик санъати тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Унга антик даврларда ҳам катта эътибор билан қаралган. Шунинг учун қадимги юнонликлар, жумладан, қадимги Грецияда нотиқнинг нутқи қаҳрамонлик эпоси ва классик драмалар билан бир қаторга қўйилган.

Бунинг боиси шундаки, нотиқлик ҳамма даврларда халқнинг турмуш тарзи, ижтимоий мавқеи, сиёсий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Зеро, нотиқлик санъатида биринчи навбатда халқнинг табиати, тафаккур тарзи, маданиятлилик даражаси акс этади.

Нутқнинг оҳанг ва ҳис-ҳаяжонларга бойлиги, ҳаракатнинг руҳий ҳолатга уйғунлиги, тингловчи билан юзма-юз мулоқотда унга таъсир қилиш, ўзига ишонтира олиш қобилияти — булар нотиқлик санъатига хос жиҳатлардир.

Умуман, қадим Грециядаги ижтимоий тузум, давлат бошқаруви, демократик муҳит сўзамоллик санъати — калом илмининг гуркираб ривожланишига замин яратиб берган.

Ўша пайтда Греция давлат тизимидаги юқори ташкилот — халқ йиғини ҳисобланган. Шунинг учун ҳам сиёсий арбоб ўзининг бирор бир мақсадига эришиш учун энг аввало ана шу йиғин иштирокчилари қаршисида ўзининг нотиқлигини намойиш этиши зарур бўлган. У йиғинда нутқ ирод қилган.

Ўзининг қобилиятини ишга солиб, сўзларини чиройли, образли ифодалаб, ўзига қарши бўлганларнинг фикрини ҳам санъаткорона инкор эта олган нотиқгина халқнинг кўпроқ овози – демосини олишга мушарраф бўлган. Бунда биринчидан, нотиқнинг мазмундорлигига, иккинчидан эса, нотиқнинг ўзини тутиши, фикрларини ифодалаш тарзи, ҳаракат, ҳолатига ҳам катта эътибор берилган.

Ўз даврнинг машҳур файласуфлардан бири "Жангда найза қанчалик муҳим бўлса, сиёсатда ҳам сўз худди ана шундай аҳамият касб этади", деган иборани ёзиб қолдирганда, биринчи навбатда сўзнинг буюк қудратига ишора қилган.

Юнон тарихи тадқиқотчилари нотиқлик, яъни риторика фани антик даврда таълим тизимининг асоси бўлганлигини таъкидлашади. Шунинг учун бўлса керак, антик даврдаёқ бу фаннинг назарий асослари тўғрисида қўлланмалар, дарслклар яратилган. Бундай қўлланмаларнинг дастлабкиси эрамиздан олдинги V асрга тўғри келган. Эрамиздан аввалги IV асрда эса буюк аллома Арасту (Аристотель) нотиқлик илмини фалсафий жиҳатдан ўрганиб чиқишга мушарраф бўлган.

Арастунинг фикрича, нотиқликда ўз фикрига бошқаларни ишонтириш, ҳақлигини исботлай олиш муҳим аҳамиятга эга. Арасту нотиқликни диалектика, яъни мантиқ илми билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тадқиқ этади.

У ўз асарида нутқни маслаҳат, суд ва тантаналарда сўзланадиган нутқ деб уч гуруҳга ажратади. Албатта, бу уч гуруҳ нутқлар бирбиридан маълум даражада фарқланиб турган. Мисол учун айтсак, маслаҳат нутқида инкор ва тасдиқ, суд нутқида айблов ва оқлов, тантана нутқида мақтов ва танбеҳ муҳим аҳамият касб этган ҳамда улар ҳар бир нутқнинг ўзига хослигини белгиловчи хусусият ҳисобланган.

Маслаҳат нутқи асосан молия, уруш ва тинчлик, мамлкат мудофааси, озиқ овқат олиб келиш ёки жўнатиш, қонунлар қабул қилиш каби мавзуларни ўз ичига қамраб олган.

Тантана нутқи кўпинча олқиш ва мақтовдан иборат бўлгани учун баъзан унинг мазмунига унчалик эътибор берилмаган. Бироқ, тарихнавис Фукидид Периклнинг ҳалок бўлган юнон жангчилари қабри устида сўзлаган оташин нутқини ўз асарида келтириб ўтганки, бу нутқ нафақат уйғониш даври юнон демократиясидан маълумот берувчи ноёб тарихий манба, балки тантана нутқининг гўзал бир намунаси сифатида ҳам катта аҳамиятга молик.

Суд нутқи эса қадимда энг тараққий этган илм ҳисобланган. Зеро, қадим юнонлар ҳаётида суд муҳим ўрин тутган. Судда ҳозиргидай прокурор иштирок этмаган, айбловчи истаган киши бўлиши мумкин бўлган. Айбдор эса судялар олдида нутқ сўзлаб ўзига қўйилаётган айбни инкор этишга, тингловчиларни ўзига ишонтиришга, шу тахлит ўзини ўзи ҳимоя қилишга мажбур бўлган. Айбдор ўзини турли усуллар билан ҳимоя қилишга ҳаракат қилган. Мисол учун унинг фарзандлари кўп бўлса, у судяларнинг раҳм-шафқатига эришиш учун уларни судга етаклаб келган. Агар айбдор жангчи бўлса, у жангда олган жароҳатларини кўрсатиб, шоир бўлса, шеър ўқиб ўз мақсадларига эришишга интилишган. Лекин энг аввало, унинг нотиқлигига алоҳида аҳамият берилган. Чунки нотиқнинг қобилияти ўз она тилини қанчалик билишида намоён бўлган. Тилни яхши биладиган инсон ўз она тили ва халқини яхши кўради. Демак, у яхши таълим олган. Яхши таълим олганми, демак, у қонун-қоидаларни яхши билади. Қонун-қоидаларни яхши биладиган инсоннинг жиноят содир этиш эҳтимоли шунча кам.

Маълумотларга кўра, ўша даврда Афинадаги судяларнинг сони 500 нафар, ҳакамларнинг сони эса 6000 нафардан ҳам ортиқ бўлган. Табиийки, бундай улкан аудиториянинг эътиборини қозониш қийин эди. Шу боис баъзи айбдорлар махсус нотиқлик тажрибасига эга мутахасис ёллаб, уларга ўзларининг оқлов нутқини ёздиришган. Тажрибали нотиқ, яъни логографлар айбдорнинг иши билан яқиндан танишиб чиқиб, унга нутқ матнини тайёрлаб берганлар. Қизиғи шундаки, айбдорнинг оқлов нутқини тайёрлаб берган нотиқ, айнан унга қарши айблов нутқини ҳам тайёрлаб берган ҳолатлар бўлган (Плутарх ўз асарида Демосфеннинг ҳам шундай қилганини таъкидлайди).

Ана шундай нотиқлардан бири эрамизга қадар V асрда яшаган сицилиялик Горгий бўлган. У 427 йилда Афинага келгач, тез орада оташин нутқлари билан улкан обрў қозонади. Нотиқлик мактаби ташкил этиб, маҳоратли шогирдлар тарбиялагани учун у нотиқ назариячиси ва мураббийси деган шарафли номга сазавор бўлган. "Елена олқиши", "Паламед оқлови" каби оташин нутқлари билан у оддий нутқни поэзия даражасига кўтара олган. "Рақибнинг эътирозларига, — дейди у бир ўринда, — ҳазил билан жавоб қайтар. Зеро, жиддий ҳазилга ҳеч нарса дош беролмайди".

Ўз даврининг яна бир донишманди Лисий бўлиб, 400 яқин нутқининг асосий қисмини судда сўзланган нутқлар ташкил этади. "Эратосфен ўлими юзасидан оқлов нутқи" каби қисқа ва ўта таъсирчан жумлаллардан ташкил топган унинг оташин нутқлари суд нутқи жанрининг шаклланишига асос бўлган.

Унинг "Эратосфеннинг ўлими юзасидан оқлов нутқи" ўз даврида жуда катта шов-шувларга сабаб бўлади. Бу нутқда келтирилган маълумотларга кўра, Эвфилет яхши ниятлар билан ўз жуфти ҳалоли билан турмуш қуради. Бир эркак ўз аёлига қандай муносабат бўлиши лозим бўлса, аёлига шундай муносабатда бўлади. Фарзанд туғилгач эса, хотинига янада кўпроқ ишонади. Зеро, фарзанд эр-хотиннинг бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширади деб тушунади. Улар то онаси вафот этгунга қадар тинч-тотув, осуда ҳаёт кечиришгани, онасини кўмиш маросимида Эритосфен хотинини кўриб қолиб, турли йўллар билан уни йўлдан оздирганини айтади.

Эвфилетнинг уйи икки қаватли бўлиб, биринчи қаватида эркаклар, иккинчи қаватида аёллар жойлашган эди. Бироқ фарзанди туғилгандан сўнг хотини қийналмаслиги учун у билан боласига пастки қаватга жой қилиб беради. Тунлари хотини боласини эмизиш учун пастки қаватга тушиб, узоқ вақт йўқ бўлиб кетади. Аввалига Эвфилет ҳеч қандай ёмон хаёлга бормайди. Бир куни қишлоқдан вақтлироқ уйга қайтиб келади. Кечки овқатни еб, тушакка чўзилади. Худди шу пайт боласи чинқириб йиғлай бошлайди. У хотинига пастга тушиб, болани дарҳол юпатишни буюради. Хотини "Сени хизматкордан рашк қиламан", деб эшикни қулфлаб, калитини ўзи билан олиб кетганча, фақат эрталаб қайтиб очади. У кечаси нега пастки дарвоза ғичирлаганини сўраганда, хотини шам ўчиб қолиб, қўшнилардан олиб чиқдик, дея жавоб беради. Хотини юзларини бўяб олганига бир оз ҳайрон бўлса-да, шунда ҳам ҳеч қандай ёмон хаёлга бормайди.

Кунларнинг бирида бир кампир уни кўчада учратиб қолиб, хотини ва Эритосфеннинг бутун қилмишини, тунлари хизматкор Эритосфен унинг уйига борганида болани атай йиғлатиб, хотинини қандай чақириб беришларини сўзлаб беради. Эвфилет ҳангу манг бўлиб қолади. Бу хабардан у даҳшатга тушади. Кейинчалик маълум бўладики, бу кампирни унга Эритосфеннинг собиқ ўйнашларидан бири қасос олиш учун юборгани, унинг хотинларни йўлдан оздиришда устаси фаранглиги маълум бўлади.

Уйга келиб хизматкор аёлга бозорлик қилиб келамиз, деб, уни бир ўртоғининг уйига олиб бориб сўроқ қилади. Аввалига хизматкор ҳеч нарсадан хабарим йўқ, деб туриб олади. Эритосфеннинг номини эшитгач эса, ҳамма гапни оқизмай-томизмай гапириб беради ва Эвфилетнинг оёғига йиқилиб, ундан кечирим сўрайди. Эвфилет эса хизматкор билан тил бириктириб, Эритосфенни айб устида қўлга туширишга қарор қилади.

Орадан тўрт кун ўтгандан сўнг, тунда у энди тушакка ётганда, хизматкор келиб, Эритосфеннинг хотини билан дон олишаётганини айтади. У эса қўни-қўшни, дўст-биродарини тўплаб, уйни ўраб олади-да, зарб билан ётоқхонасга бостириб кириб, Эритосфенни қип-яланғоч ҳолда қўлга туширади.

Эритосфеннинг айбига иқрор бўлишидан бошқа иложи қолмайди. У Эвфилетга ялиниб, ўлдирмасликни, эвазига катта пул беришини айтади. Эвфилет эса ор-номус ва бундай қабиҳлик бошқаларга сабоқ бўлиши учун унинг танасини бошидан жудо қилади.

"Шундай қилиб, жаноб судялар, — дейди у суддаги нутқининг сўнгида, — қонун нафақат менинг қилмишимни оқлайди, балки ҳукмни кечиктирмай ижро этиш маъсулиятини ҳам юклайди. Бу ҳукм ўз кучида қоладими ёки ўз кучини йўқотадими — бу энди сизларга боғлиқ. Менимча, давлат қонунлари энг аввало унга ҳар биримиз риоя этишимиз учун чиқарилган. Шундай экан, менинг ҳолатимда қонун жабрланувчига айбдорни айнан шундай жазолаш зарурлигини буюради. Ишончим комилки, сизлар фикримга қўшиласиз, акс ҳолда, бундай жиноятларга кенг йўл очиб берган бўласиз, ўшанда ҳатто бировнинг уйига ўғирликка кирган ўғри ҳам зинокорлик, фаҳш учун қонунда белгиланган жазо жуда енгил эканлигини билиб, мен ўйнашим олдига келгандим, деб ўзини оқлаши, қонунларга нисбатан ҳурматсизлик қилиши мумкин. ...Менга қўйилаётган Эритосфенни атайлаб уйга чақириб олиб ўлдирган деган айбловга келсак, бу мутлоққа асоссиздир. Биринчидан, ҳар қандай жиноятчини айб устида қўлга тушуриш — бу жиноят эмас. Аксинча, айбнинг ўз исботини топишидир. Иккинчидан, Эритосфенни уйга мен етаклаб келганим йўқ, у ёвуз ниятда менинг уйимга ташриф буюрганди. Буни гувоҳлар ҳам тасдиқлашди.

Ҳурматли ҳакамлар, хўш, Эритосфенга нисбатан менинг бошқа бир хусуматим бормиди? Албатта, йўқ. У менинг бирор-бир жиноятимни билиб қолиб, бу сир ошкор бўлмаслиги учун ёхуд катта пул эвазига уни ўлдирдимми? Асло. Мен ҳеч қандай жиноят содир этмаганман ва бирор сиримнинг ошкор бўлишидан чўчишимга ҳожат ҳам йўқ. Ёхуд бошқа ишларда бўлгани каби илгарилари у билан бирор-бир жойда тўқнаш келиб, бир-биримизни ҳақорат қилган ёхуд дўппослашган, сўнг эса аламимга чидай олмай уни ўлдирганим ҳам йўқ. Токи кечага кунгача мен уни ҳатто танимасдим ҳам. Ёхуд бошқа бирор-бир ёвуз ният туфайли ўлдириш ниятим бўлганда, уни шунча гувоҳлар олдида эмас, хуфя амалга оширмасмидим?!.

Мен нафақат ўзим учун, жаноб судялар, балки бутун жамият учун унга шундай жазони раво кўрдим. Агар сизлар менинг фикримга қўшилсангиз, бундан кейин бундай қабиҳликка қўл урадиганлар қадамини ўйлаб босади, олдинда қандай оғир жазо кутишаётганини билиб, ўз йўлидан қайтади. Акс ҳолда, қонунга ўзгартириш киритишингиз зарур бўлади, зеро, қонунда фаҳш билан қўлга тушган жиноятчига қандай жазо белгилаш жабрланувчи ихтиёрида дейилган. Мен ўзимга берилган ҳуқуқдан фойдаландим. Қонунда ёзилгани бошқа, суд ҳукми бошқа бўладиган бўлса, ҳакамлар қонунни эмас, бировларнинг хотинини йўлдан оздириб, фаҳш кўчасига кирганларни ҳимоя қилаётган бўлади. Мен эса бор-йўғи қонунларни ҳурмат қилганим, унга бўйсиниб яшаётганим учун қаршингизда айбдор бўламан холос".

Ушбу нутқдан кўриниб турибдики, айбдор нафақат тилни, балки қонунлар, қонунлар тарихи ва тарихни ҳам яхши билиши талаб этилган. У ўз фикрини исбот қилиш учун тарихий фактларга мурожаат қилиши, мавжуд воқелик билан тарихий воқелик ўртасидаги уйғунликни топа олиши зарур бўлган.

Аммо йиллар ўтиши билан нутққа бўлган эътибор ҳам сустлашиб борган. Нотиқлар энди кўпроқ ўзидан олдин ўтганларга тақлид қилишга, уларнинг нутқини замонга мослаштиришга ҳаракат қилишган. Бироқ улар антик даврдаги каби муваффақиятларга эришолмаганлар.

Шундай бўлса-да, нотиқлик Европада уйғониш давридан то XVIII асрга қадар гуманитар таълимнинг асосини ташкил этиб келди. У адабиётдаги янги жанрларнинг шаклланишига ҳам асос солди. Антик давр донишмандлиги ва маданиятининг гўзал намунаси сифатида тарих зарварақларидан жой олган нотиқлик ёзма шаклга ўтди. Ҳозирги пайтдаги пишиқ-пухта ёзилган ҳимоя нутқларининг айрим жиҳатларини қадимги нотиқлик санъатига ўхшатиш мумкин.

**Жаббор ЭШОНҚУЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

